# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2007 YIL 14 AVGUST, SESHANBA 99 (7248)

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


## “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси”

### мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига

**Азиз меҳмонлар!**

**Ҳурматли конференция қатнашчилари!**

**Авваламбор, барчангизни муқаддас Ўзбекистон заминида, “Ислом маданияти пойтахти” деб ном олган азим Тошкент шаҳрида чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.**

Бугунги конференция муносабати билан «Шарқ дарвозаси» деб ном олган пойтахтимизда сиз, муҳтарам мусулмон дунёсининг таниқли намояндалари – атоқли уламолар, диншунос олим ва мутахассислар, машҳур давлат, дин ва жамоат арбобларининг тўплангани нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун минтақамизда яшаётган кенг омманинг маънавий ҳаётида катта тарихий воқеа, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Қадимий диёримиз шу асосда турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилиб келмоқда.

VII-VIII асрлардан бошлаб эса она юртимиз бутун мусулмон олами ривожида, муқаддас ислом илоҳиёти ва фалсафаси асосларининг шаклланишида ўчмас из қолдирганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Кўҳна Мовароуннаҳр заминида туғилиб камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан ислом дунёсида улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий ва Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий сингари аллома ва мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ислом маданияти ва цивилизацияси билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, биз динимизни бу улуғ зотларсиз, бу улуғ зотларнинг номларини эса ислом динисиз асло тасаввур қилолмаймиз.

Ана шу буюк аждодларимизнинг кенг қомусий билим, ғоя ва фикрларини ўзида мужассам этган, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадр-қимматини йўқотмаган бой ва бебаҳо мероснинг ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали замон олдимизга қўяётган кўпгина ўткир, оғир масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, динимизнинг асл маъно-моҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлаймиз.

Ана шундай пойдеворга таяниб, энг муҳими, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мерос соҳиби эканимизни англаган ҳолда, ўзимизнинг эркин, мустақил ва фаровон келажагимизни қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, мусулмон дунёси ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш – бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилигимиз ва миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларини белгилашда биз халқимизнинг моддий ва маънавий оламини юксалтириш, айниқса, ёш авлодимизни ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб қўйганмиз. Чунки эртага бизнинг ўрнимизни босадиган ўғил-қизларимиз айнан ана шундай озиқланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянчимиз ва суянчимизга, енгилмас маънавий кучга айланади, жаҳон майдонларида ҳар қандай беллашув ва синовларга тайёр тура олади.

Ана шундай орзу-интилиш билан биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб азалий урф-одат ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек сақлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича, айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятини ҳайратда қолдирадиган ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Шу йўлда қилган ва амалга ошираётган улкан ишларимиз аввало ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш, дину диёнатимизни асраб-авайлашга қаратилган бўлиб, биз шу асосда ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши билан боғлиқ тушунчаларни, бир сўз билан айтганда, унинг маърифий моҳиятини нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигига етказишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Шу борада Имом Бухорий ва Имом Термизий, Шоҳи Зинда, Регистон ва Бибихоним, Имом Мотуридий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Ҳазрати Имом ва бошқа буюк сиймоларнинг номлари билан машҳур бўлган кўплаб тарихий мажмуаларни ҳар томонлама обод этиш бўйича қилган ишларимиздан аввало ўзимиз руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқдамиз.

Халқимизнинг қалб амри билан амалга оширилаётган бундай савобли ишларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ижобий давомини топади, иншоолло.

Ўйлайманки, сиз, муҳтарам меҳмонлар конференция давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қайтадан тикланган ва таъмирланган ноёб тарихий обидалар, янгитдан барпо этилган масжиду мадрасаларда, юртдошларимиз билан самимий суҳбат ва мулоқотларда бўлиб, эл-юртимизнинг бугунги кунда ҳам ислом маданияти ривожига қандай катта ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўласиз.

Шу маънода, мазкур анжуман сизлар учун кўҳна ва гўзал диёримиздаги ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўриш, мамлакатимиз ва меҳмондўст халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишишга қулай имконият яратади, деб ишонаман.

Сизларни ушбу конференциянинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 август куни Оқсаройда Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғлини қабул қилди.*

## Халқаро миқёсдаги яна бир эътироф

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уни нафақат нуфузли халқаро ташкилот раҳбари, балки ислом дунёсининг бирдамлигини мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришга улкан ҳисса қўшиб келаётган етук сиёсатчи сифатида ҳам билишини таъкидлади.

— Сизнинг юртимизга ташрифингиз ва «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этишингиз ушбу анжуманнинг моҳиятини яққолроқ очиб, аҳамиятини янада оширади, — деди Президентимиз.

Мамлакатимиз Ислом конференцияси ташкилотига 1996 йилдан буён аъзо. Ушбу халқаро ташкилот Президент Ислом Каримовнинг афғон инқирозига барҳам бериш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди ва мамлакатимизга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди.

Мамлакатимиз билан ИКТ тузилмаси ҳисобланган Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. Айни пайтда жами 115 миллион АҚШ долларига тенг 9 лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар тиббиёт ва таълим муассасаларини жиҳозлашга, қатор корхоналарни модернизация қилишга, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган. ИТБ делегациясининг жорий йил июль ойида Ўзбекистонга ташрифи асносида «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Асакабанк»ка жами 15 миллион долларлик кредит линиялари очиш тўғрисида битимлар имзоланди. Бу кредит саноат ва қишлоқ хўжалигида иш юритувчи хусусий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга қаратилган сармоявий лойиҳаларга йўналтирилади.

Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги яна бир тузилма – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Тошкентни 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилди. Бу аждодларимизнинг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг, Ўзбекистоннинг миллий-маданий ёдгорликларни, муборак қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш, буюк алломалар қолдирган меросни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир. Юртимизда қад ростлаб турган улуғвор масжид ва мадрасалар, бобокалонларимиз хоки қўним топган мажмуалар, ноёб тарихий қўлёзмалар ҳар қандай кишини ҳайратга солади, диний бағрикенглик ва халқимизга хос меҳмондўстлик эса чуқур осойиш ва мамнуният ҳиссини уйғотади.

Акмалуддин Эҳсон ўғли ISESCO Тошкентни «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилар экан, Ўзбекистон раҳбарининг миллий мерос ва маданий қадриятлар ҳамда ислом цивилизацияси ёдгорликларини асраб-авайлашга қаратилган оқилона сиёсатини, Мовароуннаҳрда етишиб чиққан алломаларнинг беқиёс хизматларини, Марказий Осиёнинг энг йирик ва энг қадим шаҳарларидан бўлмиш Тошкентнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ҳисобга олганини таъкидлади.

Меҳмон ИКТ Ўзбекистон раҳбарининг маънавий ва миллий қадриятларни тиклаш, бой тарихий, илмий-маърифий ва маданий меросни ўрганишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини, Тошкентда ўтаётган анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг бой мероси билан яқиндан танишиш имконини беришини қайд этди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Ислом конференцияси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА

***Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилиниши муносабати билан шу йил 14-15 август кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтадиган “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга кўплаб давлатлардан нуфузли делегациялар ташриф буюрмоқда.***

***Уларнинг айримлари ўзларининг илк таассуротлари ҳақида ЎзА мухбирлари билан ўртоқлашди.***




## Эътиқод эркинлигини таъминлашнинг ёрқин намунаси

**Кувайт халқаро хайрия жамғармаси ва Осиё мусулмонлари қўмитаси ижрочи директори Абдураҳмон АВОЗИЙ:**



— Ўзбекистонга илк бор келган бўлсам-да, мамлакатингиз тарихи ва маданиятига оид кўплаб китобларни ўқиганман. Юртингизда дин, маданият, илм-фан ва таълим каби кўплаб соҳалар истиқлол йилларида изчил равнақ топаётганидан хабарим бор. ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилиниши биз, қувайтликларни ҳам жуда қувонтирди. Тошкент бундай шарафга жуда муносибдир. Ислом дини тинчлик, эзгулик, саломатлик, ўзаро меҳр-оқибат динидир. Шу боис, мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида диний бағрикенгликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан Қувайт ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Қувайтда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Қувайтликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодини, асарларини катта қизиқиш билан ўрганадилар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасидан яна бир далолатдир.

(Давоми 2-саҳифада)

## Мўйноқда ҳаёт қайнамоқда

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ўз самарасини бермоқда. Буни Оролбўйи, жумладан, Мўйноқ тумани аҳли ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Бугун Мўйноқ Қорақалпоғистоннинг иқтисодий салоҳияти ортиб, аҳолининг яшаш шароити яхшиланиб бораётган туманлари қаторидан жой олаётир. Айни пайтда туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Ҳудудда кўплаб сунъий кўллар барпо этилди.

Натижада, бу ерларда иқлим шароити барқарорлашуви билан бирга, балиқчилик ҳам яна ривожлана бошлади. Тузукроқ иш ахтариб, ҳатто, кўч-кўронини кўтариб кетганлар ўз овулига қайта бошлади. Балиқчиларнинг қайиқлари яна сувга тушди. Энг муҳими, фермерлар, янги мулкдорлар, даромад топаётган оддий одамлар уй-жой, салобатли иморатлар қура бошлади. Инсон уй қурибдими, у ўз тақдирини, келажагини, зурриётлари ҳаётини шу замин билан боғлабди, демакдир.

Азалдан чорвачилик ва балиқчилик аҳолининг асосий тирикчилик манбаи бўлган Мўйноқда эндиликда деҳқончилик ҳам ривожланаётир. Бу ҳудудда ҳозир сабзавот ва ғалладан ҳам мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Ўтган йили туман тарихида биринчи марта пахта экилди. Йил бўйи сидқидилдан қилинган меҳнат кутилган натижани берди. Шартномада белгиланган 150 тонна ўрнига 205 тонналик хирмон яратилди.

(Давоми 3-саҳифада)

*Қурилиш саноати корхоналарида*

## Ҳам арзон, сифатли

### Бу Амударёдаги ғишт заводида тайёрланаётган пишиқ ғиштнинг харидоргирлигини таъминлаяпти

***Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ширкатига қарашли 2-ғишт заводи шуъба корхонаси мустақилликнинг дастлабки йилида ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган даврда корхонада ишлаб чиқарилган пишиқ ғиштлар нафақат шу туманда, балки Қорақалпоғистоннинг бошқа ҳудудларида, ҳатто, қўшни Хоразм вилоятида қад ростлаган биноларга кўркамлик бағишлаб турибди, десак хато бўлмайди.***




Мазкур корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотга талабгорликнинг асосий сабаби ҳам бор. Бу – унинг сифати.

– Бизнинг воҳада уйларга дарвоза қурилаётганда, унинг тепаси ва ён-атрофларига пишиқ ғиштдан нақшинкор устунлар тикланади, – дейди ғишт терувчи қўли гул уста Анвар Бобожонов. – Бундай дарвозалар шу ерлик халқ тилида “Хива дарвоза” дейилади. Улар ғиштларни чархлаб, турли нақшли кўринишларга келтирилган ҳолда яратилади. Шу корхона ғиштлари чархлашга қулай.

Бу эътироф асоссиз эмас. Жорий йил биринчи ярмида мактаб ва коллеж қурилишларига, мавжуд зиё масканларини реконструкция қилиш ишларига корхона ўзининг муносиб улушини қўшиб, 39,7 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди. Жами 40 киши меҳнат қилаётган ихчам корхона учун бу, бизнингча, ёмон кўрсаткич эмас. Экскаваторчи Қурол Эрлапасов, хумдонга ғишт терувчи Маҳмуд Худанов, бригада сардори Қосим Алламов, ишчи Баҳром Сафарбоев, уста Мадиёр Бекчоновдек илғорлари бўлган меҳнаткаш жамоа “Яхши дам – меҳнатга ҳамдам” нақлига амал қилиб, ишни ҳам, ҳордиқни ҳам тўғри ташкил этади. Айни пайтда завод қошида ўз кучлари билан замонавий ошхона, дам олиш хоналари, ҳаммом қурилишларини комплекс тарзда олиб боришмоқда. Ҳар йили бир-икки марта катта шаҳарларга саёҳат уюштирилади. Кам таъминланган битта оилага яқинда соғин сигир ҳадя қилинди. Манғитдаги ногирон болалар боғчасига 1,5 миллион сўмлик кўмак берилди. Булар инсонга руҳий қувват, ўз ишидан қониқиш ҳиссини бағишлашини жамоа аҳли дилдан ҳис қилади.



Корхона жамоаси шу кунларда юртимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – Мустақилликнинг 16 йиллигига муносиб туҳфалар билан боришга тараддуд кўрмоқда. Ишчи-хизматчилар маҳсулот салмоғи ва сифатини янада оширишга, ғиштга бўлган талаб-эҳтиёжни қондириш билан эл-юрт ободончилигига янада кўпроқ ҳисса қўшишга азму қарор қилган.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1086,76 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2578,80 |
| 1 Дания кронаси | 235,01 |
| 1 БАА дирҳами | 345,81 |
| 1 АҚШ доллари | 1270,03 |
| 1 Миср фунти | 225,40 |
| 1 Исландия кронаси | 19,90 |
| 1 Канада доллари | 1204,39 |
| 1 Хитой юани | 167,84 |
| 1 Малайзия ринггити | 366,49 |
| 1 Польша злотийси | 463,21 |
| 1 СДР | 1948,58 |
| 1 Туркия лираси | 996,49 |
| 1 Швейцария франки | 1064,93 |
| 1 ЕВРО | 1748,70 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,74 |
| 10 Япония иенаси | 107,11 |
| 1 Россия рубли | 49,88 |
| 1 Украина гривнаси | 251,49 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

